

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2026 йил 08 январь куни жиноят ишлари бўйича Қамаш туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси “Зафар” МФЙ биносида бўлиб, шу суднинг раиси А.Ўраловнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Мирзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қамаш туман прокурори ёрдамчиси А.Рустамов, судланувчи Н.Михлиев ва унинг ҳимоячиси-адвокат О.Дўстқобилов ҳамда жабрланувчи О.Махмадалиевларнинг иштирокида;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисм “а” банди билан айбланган:

1993 йил 22 октябрь куни Қамаш туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, ишламайди, Қамаш тумани “Баландчайла” МФЙ, “Баландчайла” қишлоғида яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 29 ноябрь куни олган, Михлиев Нурлан Камол ўғли (Mixliyev Nurlan Kamol o'g'li)га оид 1-1810-2501/199-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Михлиев Нурлан Камол ўғли, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, 2025 йилнинг 21 ноябрь куни соат 21:10 ларда “Қамаш-Чимқурғон” йўлининг Қамаш тумани, “Баландчайла” МФЙ ҳудудидан ўтган қисмида гўёки автомашина тўхтатиб турган шахс сифатида ўзини кўрсатиб, йўловчи автомашиналарга тўхташига ишора қилиб турганида уни кўрган Махмадалиев Олимжон Аширович тўхтаб, бошқарувидаги “НОВО” русумли 70 G 989 ТА давлат рақамли юк автомашинасига миндириб, у айтган жой яъни Қамаш тумани Навой маҳалласида жойлашган “Эъзога” савдо дўкони рўпарасига туширган вақтида Н.Михлиев яширин равишда О.Махмадалиевнинг юк автомашинаси орқа



ўриндиғида бўлган эркаклар кийимини ва кийим чўнтагидаги 1.670.000 сўм пулларини яширин равишда ўғирлик йўли билан эгаллаб, О.Махмадалиевга билдирмасдан транспорт воситасидан тушиб қолиб, ҳодиса содир бўлган жойдан номаълум томонга яшириниб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилган.

Судланувчи Н.Михлиев, айбига иқрорлик билдириб, Қамаш тумани, "Тинчлик" МФЙ, "Нагахон" қишлоғида яшовчи Махмадалиев Олимжон Ашировични танимаслигини, 2025 йил 21 ноябрь куни ўртоқлари билан спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, кейин турмуш ўртоғи Қамаш тумани "Яртепа" МФЙ, "Катта куба" қишлоғига ота-онасининг уйига фарзандларини олиб кетганлиги учун уларни олдиға бориш мақсадида автомашина тўхтатиб автомашинаға ўтирганлигини, бироқ қандай автомашинаға ўтирганлигини эслай олмаслигини, кейин 2025 йил 22 ноябрь куни соат тахминан 08 ларда "Катта куба" қишлоғида турмуш ўртоғининг ота-онасининг уйига ётган эканлигини, уни турмуш ўртоғи уйғотиб "кеча келолмайман дегандингиз, нимаға ичиб келдингиз, кеча келганда бир қора рангли эркаклар кийимини кийиб келдингиз, ичида пул бор экан"-деб, айтганлигини, кейин у "ушбу кийимни қаердан олганлигини эслолмайман, кийим ичида пул бор бўлса пулларни олмадингми"-деб, сўраганлигини, турмуш ўртоғи кийимға ва пулларға тегинмаганлигини, жойида турганлигини айтганлигини, у турмуш ўртоғининг ота-онасини яшаш уйига қандай келганлигини эслай олмаслигини, кейин "кийим ва пулларни эгаси топилиб қолса бераман" деб, "Баландчайла" қишлоғидаги яшаш уйига олиб кетганлигини, шундан кейин уни Қамаш тумани ИИБ ходимлари топишиб, 2025 йил 22 ноябрь куни нима ўғирлик ҳолатини содир қилганлигини сўрашганлигини, у нима қилганлигини эслай олмаслигини, бироқ шу куни уйига бир қора рангли кийимни ичида пуллари билан олиб келган эканлигини айтганлигини, ҳозирги кунда жабрланувчи О.Махмадалиевға кийими ва пулларини тўлиқ қайтариб берганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, айбини тўлиқ тан олишини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди. Судда жабрланувчи О.Махмадалиев, 2025 йил 21 ноябрь куни соат 21:10 ларда у ўзига тегишли бўлган "НОВО" русумли 70 G 989 ТА давлат рақамли автомашинасини Қамаш тумани "Баландчайла" МФЙ худудидан бошқариб келаётганида "Баландчайла" МФЙ худудида унга нотаниш бўлган шахс кўлини кўтариб уни тўхтатишиға ишора қилганлигини, кейин у автомашинасини тўхтатганлигини, шунда у исмини кейинчалик билишича Н.Михлиев "ака қаерға кетяпсиз. Мен Қамаш тумани "Навой" МФЙ худудиға қарашли бўлган "Файз" деҳқон бозори олдиғача боришим керак, йўлингиз шу томонға бўлса



мени олиб кетинг, такси тўхтатдим тўхтамади”-деб, айтганлигини, у Н.Михлиевнинг совуқда турганлигини кўриб уни автомашинасига ўтирғизиб олганлигини, сўнг уни “Навоий” МФЙ ҳудудида жойлашган “Эъзоа” савдо дўкони олдида автомашинасидан туширганлигини, қараганида уни қўлида қора рангли уникага ўхшаш кийими бор эканлигини, бироқ у унга эътибор бермаганлигини, ушбу кийим ўзиники деб ўйлаганлигини, кейин ўз ишлари билан юриб соат тахминан 23 ларда яшаш уйига кириб борганлигини ва пул кераклиги сабабли автомашинасига қўйган кийимини олиш мақсадида қараганида автомашинасини орқа томонида бўлган кийими йўқлигини билганлигини, ушбу кийими ичида 1.670.000 сўм миқдоридаги ҳар хил қийматдаги пуллар бор бўлганлигини, кейин у автомашинага ўтирғизган йигит қўлида кўтариб кетган ушбу кийим ўзиники деб ўйлаганлигини ва уни излаганлигини, бироқ уни топа олмаганлигини, кейин вилоят 102 рақамига қўнғироқ қилиб автомашинасига йўловчи ўтирғизганлиги учун йўловчи автомашинасидан тушиб кийими ва ичида бўлган пулларини ўғирлаб кетганлигини айтганлигини, унинг кийими қора рангда бўлганлигини, ушбу автомашинасига ўтирғизган шахсни кўрса танишини, унинг ўғирлатган кийими қора рангда бўлганлигини айтганлигини, кейин ИИБ ходимлари Н.Михлиевни топишганлигини, ҳозирда унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, судланувчига даъвоси йўқлигини, чора кўриш масаласини судга ҳавола қилишини билдириб, кўрсатув берди.

Судланувчи Н.Михлиевнинг содир этган жиноятидаги айби, терговга қадар текширув ҳужжатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фото суратлар, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарор ва тергов ҳаракатлари давомида тўпланган бошқа процессуал ҳужжатлар ҳамда суд муҳокамаси давомида текширилган далиллар билан ўз исботини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Н.Михлиевнинг ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан малакаланишини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатлари “ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш, жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик)”да ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри малакаланган деб, ҳисоблайди.

Суд судланувчи Н.Михлиевнинг шахсини, оилавий шароитини ҳамда иқрор ва пушаймонлигини Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида назарда



тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги 1-сонли “Судлар жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг [8, 54-моддалари](#) мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар-бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд судланувчи Н.Михлиевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг шахсини, оилавий шароитини, иқрор ва пушаймонлигини ҳамда етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, юқоридаги Пленум қарори ва Жиноят кодексининг инсонпарварлик ҳамда одиллик принципларига таяниб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга нисбатан танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни ҳамда жабрланувчи О.Махмадалиевга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини қайд этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд,

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Михлиев Нурлан Камол ўғли (Mixliyev Nurlan Kamol o'g'li) - Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисм “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва унга Қамаш тумани “Баландчайла” МФЙ, “Баландчайла” қишлоғида жойлашган яшаш уйидан у ёки бу сабаб билан тарк этиши бутунлай чеклансин. (Бунда агар маҳкума кейинчалик ишга жойлашадиган бўлса, ишлаш вақтидан, шунингдек, ишга бориш ва уйига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтларда уй-жойидан чиқиши тақиқлансин).

Озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида маҳкума Н.Михлиевнинг зиммасига:

-Қамаш туман ИИБ бошлиғининг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;

-Қамаш туман маъмурий ҳудудидан четга чиқмаслик;



-Кафе, ресторан, бозор ва савдо мажмуаларига бормаслик, шунингдек жамоат транспортларидан фойдаланмаслик каби қўшимча тақиқ (чеклаш)лар юклансин.

Жазонинг ижро этилишини назорат қилиш Қамаши туман ИИБ зиммасига юклатилсин ва жазо муддати маҳкума ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Н.Михлиевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи О.Махмадалиевга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги қайд этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 (ўн) сутка муддатда ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

А.А.Ўралов

